

PEDAGOGICAL ASPECTS OF IMPROVING THE SYSTEM OF DISTANCE TRAINING OF PUBLIC EDUCATION WORKERS

Sabirova Nasiba Ergashevna

Khorezm region Methods of teaching languages Head of Department (PhD)

e-mail: sabnas1@yandex.ru, tel: 904384950

Annotation

The article describes in detail the issues of distance learning for state teachers, methods, importance, problems of organizing a distance learning system, distance learning models and their types. In addition, the advantages of using modern educational technologies are highlighted and feedback is given on effective ways to use video lessons and multimedia programs in distance learning for state teachers. In distance learning, the student and the teacher are in constant communication with each other using spatially separated training courses, forms of control, electronic communication and other Internet technologies.

Key words: distance learning system, distance learning models, external, video lessons, remote audiences.

Кириш. Масофадан ўқитишнинг келтирилган моделлари нима маъиётга жорий этишда уларнинг айримсалбий хусусиятларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, фақат Интернет технологияларига асосланган шаклда фаолият юритиш кўздатишга берилган масофадан ўқитиш моделларида (бирламчи, консорциум, франчайзинг, валидация, йироқлашган аудитория моделлари) катта молиявий харажат талаб этилиши, доимий назорат ва билан ариштириш тиришда аэмоционал мулоқотнинг етишмаслиги, маълум отҳақидаги ҳужжат қийматининг пастлиги ёки уни буюртмачилар томонидан етарлича танолмаслиги, сифатли таълимнинг баъзи танишолмасликлари юзага келтириш абиқамчиликлари мавжуд бўлса, анъанавий масофадан ўқитиш қўшиб олиб бориладиган, яқиний назорат ва анъанавий сессияларда амалга ошириладиган моделларда (иккиламчи ва аралашган моделлар) ҳарик қўқитиш шаклининг интеграциялашдаги мураккаблик, бошқатаълиму ассасалар билан фуқароларнинг қияларнинг иўз рота қасимлаш ва амасофавий курсларнинг иўз рота олмашишдаги ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганилиги каби ҳоллар атларулар нитаълими тизими га жорий этиш самарадорлигини текширади.

Бугунги кунда ЮНЕСКО халқаро таълимнинг стратегияси келаждаги АКТ ва масофадан ўқитиш нитаълимининг барча босқичлари га жорий этишда инновацион алоқаларнинг шаклланиши ва қўллашда ҳамкорлик; масофавий таълим ёрдами билан таълимнинг барча босқичлари да тақомиллаштирилган ўқув дастурлари да фойдаланиш мақсади да инновацион технологияларнинг ишга оидишларнинг олиб бориш қабила ва алоқалар кўздатишга берилган [1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Юртимиз ва хорижлик олимлар ўз илмий изланишлари натижасидан келиб чиқиб, масофадан ўқитиш йўналиши бўйича қўлланиладиган атамаларга жуда кўплаб таъриф ва изоҳлар берганлар. Жумладан, бугунги кунда олимлар томонидан масофадан ўқитиш тизими – бу янги босқичдаги педагогик тизим эканлиги эътироф этилмоқда [2; 61-б.]. Манбаларда 15 масофавий таълим: «таълимни масофавий ўқитиш усули ва воситалари орқали ташкил қилиш шакли» [3; 269-б.]; «масофали ўқитиш усули ва воситалари орқали таълим олиш шакли» [4;

121-б.]; «масофали ўқитишга асосланган таълим» [5; 254-б.] эканлиги, масофадан ўқитиш эса: «ахбороткоммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли» [3; 269-б.]; «ўқув машғулотларининг барчаси ёки кўп қисми телекоммуникацион ва замонавий ахборотлаштириш технологиялари асосида олиб бориладиган масофадан туриб ўқитиш» [6; 73-б.]; «ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари – мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиш усулларига асосланган ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат» [5; 254-б.] ва бошқа изоҳлар билан ёритилган.

Е.Полат, М.Бухаркина, М.Моисееваларнинг таъкидлашича, айти пайтда масофадан ўқитиш соҳасидаги барча мутахассислар бу атама орқали ўқитувчи раҳбарлигида тўлиқ тармоқ орқали ёки анъанавий ўқитиш билан интеграциялашган ўқув жараёни эканлигини тушунишларини таъкидлайдилар [7; 57-б.].

Муаммога оид манбаларни ўрганиш жараёнида айрим изоҳлар бошқа бир изоҳларни инкор этиш ҳолатлари кузатилди. Аслида бу қайсидир изоҳ хато талқин этилганлигини билдирмайди, аксинча, мазкур ҳолат масофадан ўқитиш имкониятлари билан боғлиқ турлича нуқтаи назарга таянувчи ҳулосалар ҳисобига юзага келади. Жумладан, А.Абдуқодиров, А.Пардаевлар масофадан ўқитишни «масофавий технологияларни қўллаш билан ўқитишнинг сиртқи шаклидан фарқланадиган, амалда ўқитувчи ва ўқувчилар вақт ва/ёки фазода ажратилган ўқитиш шакли» [4; 121-б.] деб таърифлаган. Н.Гаврилов бу икки таълим шакли бир-биридан «ўқувчиларнинг билимларга ҳаракати»дан «билимларни ўқувчиларга ҳаракати» билан фарқланишини таъкидлаган бўлса [8; 31-б.], Р.Амбросенконинг тадқиқотларида «сиртқи 16 таълим» ва «масофавий таълим» атамалари бир маънога эгаллиги ва бир хил шаклдаги таълим эканлиги, бу икки атамага синоним сифатида қараш кераклиги [9; 35-б.], У.Бегимқулов томонидан замонавий ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган масофавий таълимни сиртқи малака оширишни ташкил этишнинг истиқболли йўналиши сифатида талқин қилинган [3; 196-б.]. Бизнинг назаримизда, масофадан ўқитиш сиртқи таълимдан, асосан, жараён субъектлари ўртасида доимий алоқанинг мавжудлиги, мулоқот турғунлигига барҳам берилиши, кундузги таълимдан эса ўқитишнинг яшаш ва иш жойига яқинлаштириш, эркин вақт танлови, янгича таълим муҳитининг яратилиши билан кескин фарқ қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Ўзбекистон Республикасида ҳам Конституциядаги «Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади», деб белгиланган 42-моддасига [10] мос равишда ривожланган мамлакатлар қатори АКТни кенг жорий этиш барча соҳаларда яққол кўзга ташланмоқда.

2001 йилда илк маротаба Ўзбекистоннинг АКТни кенг жорий этишга тайёргарлигини баҳолаш амалга оширилди. Бу тадқиқотлар мамлакатда АКТни ривожлантириш давлат дастури, АКТ ривожини билан боғлиқ бўлган бир 23 қатор янги қарорларни ўзида жамлаган қонунлар чиқариш йўлида ўзига хос дебоча бўлиб хизмат қилди [11; 91-б.].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сон Фармони, шу асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада

ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 200-сонли қарори АКТ соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлашда муҳим ҳужжатлар ҳисобланди [12].

2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ахбороткоммуникация технологияларининг янада ривожлантирилиши, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ташкилий, технологик ва иқтисодий шароитлар яратиш мақсадида Инновация марказини ташкил этилиши, «Электрон ҳукумат» тизимининг такомиллаштирилиши [13], Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий АКТдан кенг фойдаланишни таъминлаш юзасидан асосий вазифаларнинг белгилаб қўйилиши мамлакатимизда мазкур соҳадаги ишлар жадал ривожланиб бораётганлигини акс эттиради.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Бутунги кунда ХТХМОнинг замон талабларига мослашувчан, педагог кадрларни касбий сифатини қўллаб-қувватлаш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига кўра таълим муассасаларини юқори малакали педагоглар билан таъминлашни кўзда тутувчи тизими вужудга келтирилмоқда. Бу эса юқори малакали педагоглар тайёрланишини таъминлаб, умумий ўрта таълимнинг янги тизими ва мазмунини шакллантириш, Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўйга чиқаришни сифатли амалга оширишга шартшароит яратади.

«Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари»да ХТХМО – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари ҳамда Давлат талаблари асосида касбий ва педагогик маҳорат доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёни юқори илмийметодик даражада олиб борилишини таъминлайдиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш ҳисобланиши, малака ошириш мазмуни – педагог кадрларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган бўлиб, унинг сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билимлари ва амалий маҳоратларининг педагог кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланиши қайд этилади.

Шу билан бирга, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мақсадлари қуйидагича этиб белгиланган [14]:

- ходимларнинг эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган фанлари бўйича касбий ва педагогик маҳорати доимий равишда ўсиб боришини, уларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек ўқитишнинг интерактив усуллари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникмалари мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлаш;

- улардаги назарий билим ва амалий кўникмаларни чуқурлаштириш ҳамда янгилаш, халқ таълимининг долзарб муаммолари, таълимни ташкил этишнинг янги тамойиллари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг замонавий усуллари, давлат таълим стандартлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Шундай қилиб, масофадан ўқитиш назарияси ва амалиёти йўналишлари масофадан ўқитишни таълим турларига кенг жорий этиш учун етарли педагогик ҳамда методологик асосларни юзага келтирган. ХТХММО 26 тизимини такомиллаштиришда соҳада олиб борилган юқоридаги илмий асослар, илмий тадқиқот хулосалари, мавжуд ресурслар ва имкониятлар муҳим аҳамият касб этди.

АДАБИЁТЛАР

1. Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013. – 647 б.
2. Джураев Р.Х., Бегимкулов У.Ш., Цой М.Н., Бабаходжаева Л.Г., Эшмаматов И. Педагогические основы разработки систем дистанционного сопровождения образовательного процесса: Монография. –Т.: Шарк, 2011. – 261 с.
3. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док. ...дис. – Т.:ТДПУ, 2007. – 305 б.
4. Абдуқодиров А.А, Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан, 2009. –145 б.
5. Тайлақов Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун информатикадан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий педагогик асослари. Пед. фан. док. ...дис. – Т.: 2006. – 359 б.
6. Педагогик атамалар луғати / Тузувчилар Джураев Р.Х. ва бошқалар. –Т.: Фан, 2008. –195 б.
7. Полат Е.С. и др. Теория и практика дистанционного обучения: Учеб.пособие для студ. высш.пед.учеб.заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 416 с.
8. Гаврилов Н.А. Моделирование дистанционной образовательной среды в системе повышения квалификации работников образования. Дис. ... канд. пед. наук. – Омск: 2007. – 134 с.
9. Амбросенко Р.Н. Модельно-алгоритмическое обеспечение процессов обработки информации в образовательных средах дистанционного обучения. Дис. ... канд. пед. наук. – Красноярск: 2007. –132.
10. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда.
11. Инсон тараққиёти тўғрисида умуммиллий маъруза. БМТТД ва ИТМ, 2005.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2002 йил 6 июнь, 200-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 473-модда).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 234-сонли қарори. –Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014. 34-сон. 433-модда.